

ХИТОЙ ТИЛШУНОСЛИГИДА ПОЛИФУНКЦИОНАЛЛИК
МАСАЛАСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7332666>

Артикова Зиёда Зайнитдиновна

Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Хитой филологияси” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Хитой тилишунослигида 1953-1955 йиллар оралигида хитой тили сўз туркумлари масаласи бўйича қизгин баҳс мунозара бўлиб ўтди. Бунинг натижасида хитой тилида мустақил сўз туркумларини бўлиниши мумкинлиги ўз тасдиғини топди. Ушбу мақолада сўзнинг ҳар хил сўз туркумларига тегишлилик масаласи, яъни полифункционаллик масаласини ҳал этилиши бўйича фикрлар ёритилган.

Калим сўзлар: полифункционаллик, қараш, сўз, сўз туркуми, категория.

Annotation. In Chinese linguistics, between 1953 and 1955, there was a heated debate on the issue of Chinese language word categories. This has found confirmation that the Chinese language can be divided into independent word categories. This article covers the concepts in the issue of separation of word categories, and opinions on the solution to the issue of polyfunctionality.

Key words: polyfunctionality, point of view, word, word category, category.

КИРИШ

Инсон нуткига хос хусусиятлардан бири тил бирликларининг шакл ва мазмун жиҳати билан боғлиқ ўзгаришлар, хусусан номутаносибликлар юзага келиши ҳисобланади. Бундай ҳолат хитой тилида ҳам яққол кузатилади. Зеро шу қонуният сабаб, ҳозирги хитой тили лексик қатламига мансуб кўп сўзлар полифункционалликка мойиллашган. Умуман тилшуносликда сўзнинг моҳиятини ўрганиш жуда қадимдан бошланган ва кейинги даврга келиб олимларнинг сўзни ўрганиш бўйича турли гуруҳларга ажралганлиги кузатилади.

Сўзларнинг полифункционаллиги бу - битта сўз икки ва ундан ортиқ сўз туркумларига тегишли бўлиш ҳолатидир. Бу ҳақида турли китобларда турли фикрлар берилган.

Ҳозирда хитой тилшунослигида сўзларнинг ҳар хил сўз туркумига тегишлилиги бўйича учта асосий қараш мавжуд.

Биринчиси, 黎锦熙 Lǐjǐnxī берган таърифи бўйича хитой тили сўзлари бир категориядан иккинчи категорияга ўта олади. Унинг асосий назарияси сўз туркумларини конверсияга учраши ҳодисасидан олинган. Масалан, “困难、合作、互相” kùnnán, hézuò, hùxiāng “қийинчилик, ҳамкорлик, ўзаро” каби сўзлар гапда эга вазифасида келганда 黎锦熙 Lǐjǐnxīнинг фикрига кўра сифат ёки феълнинг абстракт отга ўзгариб қолиши рўй беради. Унинг фикрича полифункционалликда сўзнинг гапдаги ўрнига, вазифасига қараб қайси сўз туркумига кириши аниқланади.¹ 1962 йилда 黎锦熙 Lǐjǐnxī шундай фикр билдирган: “Мен таълимда, гап тузишдан бошлаб сўзни қўллашгача ўргатиш кераклиги, синтаксис асосида сўз

¹黎锦熙新语法 1955年商务印书馆6,7-6

туркумларини бошқариш кераклигига таянаман”.² Бундай қараш, сўзнинг аниқ бир сўз туркумига эга эмаслигига хулоса беради. 黎锦熙 Lǐjīnxī нинг бу қараши, аслида 马建忠 Mǎjiànzhōng нинг “сўзнинг асл маъноси йўқ, шунинг учун аниқ сўз туркумига тегишли эмас” деган қараши ва 刘复 Liúfù нинг “сўзнинг конверсион хусусияти” каби қарашларининг давоми ҳисобланади. 刘世儒 Liúshìrú ҳам ўзининг “现代汉语语法讲义” Xiàndài hànyǔ yǔfǎ jiǎngyǔ “*Ҳозирги замон хитой тили грамматикаси маърузалари*” китобида 黎锦熙 Lǐjīnxī дек фикрни илгари сурган.

Иккинчи қараш намоёндаси 吕叔湘 Lǚshūxiāng бўлиб, у шундай фикр айтган: “Битта сўз албатта иккита сўз туркумига тегишли бўла олади”.³ Бир сўзнинг бир нечта сўз туркумига тегишли бўла олиши ҳақида “асосий функция” ва “фаол функция” каби фикрни айтиб ўтган. Масалан от - сўз бирикмасида бошланғич маънода, гап структурасида эса эга бўлиб, ҳамда феълдан кейинги тугалладиган сўзни ифодалалайдиган ёки тўлдирадиган сўз бўлиб ишлатилган ҳолатлари кўп учрайди. Феъл эса гап структурасида кесимлик қисмида учраши ҳолатлари кўп бўлади, сифат эса сўз бирикмасида аниқловчи бўлиб келиши ёки гап структурасида кесим бўлиб келиши ҳолатлари кўпдир. Уларнинг булардан ташқари ишлатиладиган функциялари ҳаммаси “фаол функция” ҳисобланади.⁴ 吕叔湘 Lǚshūxiāng нинг ишларида сифат ёки феълнинг эга ва тўлдирувчи бўлиб келиш ҳолатлари ҳам бор, унинг ҳисоблашича, сифат ёки феъл бу ўринда отнинг функциясини олади. От ёки сифат гапда кесимлик қисмда келиши ва ўзи билан тўлдирувчини олиб келиши ҳолатида улар феъл функциясини бажаради. Сўзларнинг “фаол” функцияси бўйича фикрни аввалроқ 陈承泽 Chénchéngzé ҳам илгари сурган. У сўз туркумлари ва гап бўлақларини иккита катта категорияларга бўлиб ўрганган. Унинг фикрича, битта гапда келадиган гап бўлақлари ҳар хил сўз туркумлари сифатида ишлатилишимумкин. Шунинг учун сўз туркумларида полифункционаллик масаласида у “битта сўз ўзининг асосий тегишли туркумига эга”, “сўз туркумлари ҳам ўзининг тегишли сўзларига эга”, деган хулосани берган. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, сўзнинг “фаол функцияси” деганда бу сўзни осонликча, тўғридан тўғри бошқа туркумга ўзгартириш эмас, балки баъзи мустасно ҳолатда ишлатилиши мумкин дегани. Кейинчалик 吕叔湘 Lǚshūxiāng ўзининг “语言修辞讲话” Yǔyán xiūcí jiǎnghuà “*Тил стилистикаси маърузаси*” китобида айтиб ўтган: “Бир сўзнинг маъноси ўзгармаганда, иложи борича у тегишли бўлган сўз туркумини ҳам ўзгартириш керак эмас”.⁵

1962 йилда Пекин университети чоп этган “现代汉语” Xiàndài hànyǔ “*Ҳозирги замон хитой тили*” китобида ҳам сўзнинг ҳар хил категорияларига тегишлилиги ҳақида айтиб ўтилган.

Учинчи қараш намоёндаси 王力 Wánglì бўлиб, у сўзнинг икки ва ундан ортиқ сўз туркумларига тегишли бўла оладими?, деган саволга, “ха” деб жавоб берган. Масалан: “抓住把, 不然车就倒了” Zhuāzhù bǎ, bùrán chē jiù dǎo liǎo “*Рулни маҳкам ушлаб ол, бўлмаса машина ағанаб кетади*” даги “把” машина рулиот ва “把他送到楼上去” bǎ tā sòngdào lóushàng qù “*Уни бинони тепасига кузатиб қўй*” даги “把” олд кўмакчи бўлиб келади. Албатта улар

² 黎锦熙《汉语初阶》1962年，商务印书馆4-6

³ 吕叔湘《关于汉语的一些问题》1956年，中华书局156-6

⁴ 吕叔湘《国文要略》1957年，商务印书馆24-6

⁵ 吕叔湘《现代汉语修辞讲话》1952年，商务印书馆24-6

орасида мазмун жиҳатдан фарқ бўлиши керак, шундагина ҳар хил сўз туркуми деб ҳисобланса бўлади. Яна бир мисол келтирсак: “我在” wǒ zài “мен шу ердан”даги “在” “этойлашган, бор”, “我在家读书” wǒ zài jiā dúshū “Мен уйда китоб ўқияман”даги “在” “-да”, улар мазмун жиҳатдан бир бирига яқин, шунинг учун ҳар хил сўз туркумига киритилмайди, деган 王力 Wánglì.⁶ 王力 Wánglìнинг бу қарашига Отто Есперсеннинг таълимоти таъсир кўрсатган. 吕叔湘 Lǚshūxiāngнинг айтишича, 王力 Wánglì Есперсеннинг китобларида сўз туркуми ва гап бўлаклари ўртасидаги боғлиқликни топган. Лекин кейинчалик 王力 Wánglì лнинг қарашини ўзгарган, у битта сўзнинг ҳар хил сўз туркумига тегишли бўла олишини тан олган.

ХУЛОСА

Хитой тилшунослигида юқорида берилган сўзларнинг полифункционаллиги ҳақидаги қарашларнинг барчасини муҳим ўрни бор. Ҳозирги хитой тилшунослигига сўз туркумлари масаласи бўйича 黎锦熙 Lǐjǐnxī ҳамда 吕叔湘 Lǚshūxiāng нинг қарашлари катта таъсир кўрсатган. 吕叔湘 сўзнинг полифункционаллигини уч хил турга бўлади. Биринчи турга мисол келтирсак 拿把锁把门锁上 nà bǎ suǒ bǎ mén suǒshàng “Калитни олиб, эшикни қулфлади” бу гапда сўзи “锁 suǒ сўзи ҳам от- “қулф калит”, ҳам феъл - “қулфлади” бўлиб келган, демек бу сўз гапларда алоҳида ишлатилганда ҳам, ҳам от, ҳам феъл сўз туркумига тегишли бўлади, яъни сўзнинг полифункционаллиги яққол кўриниб турибди. Иккинчи турда эса бир туркумга тегишли сўз вақтинчалик гапда бошқа сўз туркуми вазифасида келади, масалан, 我是喝黄酒的, 可如果你们一定要喝白干, 我也可以白干一下 Wǒ shì hē huángjiǔde, kě rúguǒ nǐmen yīdìng yào hē bái gān, wǒ yě kěyǐ báigān yīxià “Мен гуруч винодан ичман, агар сизлар охиригача ичсангиз, мен ҳам қолдирмаслигим мумкин” бу ердаги ҳодисани, яққол полифункционаллик эмас, балки конверсия ҳодисаси деса бўлади. Учинчи турга масалан, бир туркумга кирувчи сўз, айрим вазиятда иккинчи туркумга кирувчи сўзнинг хусусиятини хусусиятига эга бўлади, бу сўз гапда иккинчи туркумнинг сўзи ҳисобланади. Мисол қилиб, “天冷了” tiān lěng le “Кун совуқлашди”даги “冷 lěng “совуқ” сўзини келтириш мумкин. Ва бундай ҳолат хитой тили гапларида кўп учрайди.

АДАБИЁТЛАР (REFERENCES):

1. 王力 “现代汉语语法” 1985 年北京商务印书馆.
2. 黎锦熙 “新著国语文法” 1955 年, 商务印书馆.
3. 黎锦熙 “汉语语法初步教程” 1962 年, 商务印书馆.
4. 吕叔湘 “关于汉语词类的一些原则性问题” 1956 年, 中华书局.
5. 吕叔湘 “中国文法要略” 1957 年, 商务印书馆.
6. Каримов, А. (2010). Actual questions of China studying: Philology, philosophy, politics, economy and history.
7. Karimov, A. A. (2022). The Problem Of The Grammatical Category Of The Chinese Language. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 5, 226-229.
8. Артикова, З. З. (2021). LEXICO FEATURES OF THE PIECE COUNTING WORD 把 Bǎ. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (5-8), 113-118.
- 9.

⁶王力汉语语法1957年新知识出版社46,47-6

9. Nazarova, S. A. (2017). THE ISSUE OF LEXICAL COMPETENCE FORMATION IN THE PROCESS OF TEACHING CHINESE LANGUAGE. In *Актуальные вопросы преподавания китайского и других восточных языков в XXI в.* (pp. 143-147).
10. Alimova, S. F. Morphological Classification of Languages.
11. Zaynitdinovna, A. Z. (2022). Rules for Using the Verb in a 把 “Bǎ” Sentence. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE*, 3(6), 5-9
12. Djafarov, B., Nishanbaeva, A., Mirzakhmedova, K., & Nuriddinov, N. (2021). GRAMMATICAL ADAPTATION OF THE TURKIC LOANWORDS IN PERSIAN (IN THE EXAMPLES OF ADJECTIVE PHRASES). In *Культурология, искусствоведение и филология: современные взгляды и научные исследования* (pp. 102-106).
13. S.A.Nasirova (2019). Modification of semantics of social terms of the modern Chinese language . *Opcion: Revista de Ciencias Humanas y Sociales* (pp. 260-273).
14. Хашимова, С. А. (2022, September). ОБРАЗОВАНИЕ ПРИЛАГАТЕЛЬНЫХ С ПОМОЩЬЮ АФФИКСАЦИИ В КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ. In *E Conference Zone* (pp. 5-10).
15. С.А.Насирова (2021). Политическая метафора (на примере материала по кадровой политике современной КНР). In *Resent Scientific Investigation* (pp. 69-73).